ЯШАСИН, БИРИНЧИ МАЙ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 86 (6198).

2 МАЙ

СЕШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА СОВЕТ ХАЛҚИ, ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ТИНЧЛИК, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШДА ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ БЎЛГАН 1 МАЙНИ ЗЎР ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАДИ.

БАҲОР, МЕҲНАТ, ТИНЧЛИК БАЙРАМИ БИРИНЧИ МАЙ ВАТАНИМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЕНГИЛМАС, МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИГИ, ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ АТРОФИГА ЯНАДА МАҲКАМ БИРЛАШГАНЛИГИ ВА КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН БУЮК ИЖОДИЙ ВА ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИГА АЙЛАНДИ.



МОСКВА. Қизил майдон, 1978 йил 1 Май. В. И. Ленин мавзолейи минбарида.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

ПОРЛОҚ МАҚСАДИМИЗ—КОММУНИЗМ!

МОСКВА ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

Советлар мамлакати Биринчи Майни ижодий кучлари барқ урган ҳолда, коммунизм йўлидаги шонли зафарлари билан кутиб олмоқда. Бу мамлакатда олтмиш йилдирки Улуғ Октябрнинг музаффар байроғи ҳилпираб турибди. Диёримизга баҳор, меҳнат ва тинчлик байрами ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилда эришилган меҳнат зафарларининг рапортлари билан келди.

Шу тантанали субҳидамда мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларини қирмизи байроқлар ва транспарантлар безади. Лекин анъанага кўра Москванинг Қизил майдони ҳаммасидан ҳам кўхли. Мамлакатнинг бош майдонини безатишда совет кишиларининг Маркс, Энгельс, Ленин революцион таълимотига садоқати акс эттирилган Давлат универсал магазинининг олд томонидаги катта-кон полотнода уларнинг портретлари кўзга яққол ташланади. «Яшасин марксизм-ленинизм!» деган шиор чўғ бўлиб турибди.

Москваликлар намойишга яхши кайфият билан чиқишди. Уларнинг қалблари КПСС раҳбарлигида илк бор ривожланган социалистик жамият қурилган давлат — Совет Иттифоқи эришган тарихий муваффақиятлардан ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган. Бу тарихий зафар ССРнинг Асосий Қонунида ҳамда иттифоқдош республикаларнинг яқинда қабул қилинган Конституцияларида мустаҳкамлаб берилган.

Минбарлар бўйлаб ўрнатилган флагштокларда иттифоқдош республикаларнинг байроқлари кўтарилган, Кремль деворида ССР Иттифоқининг Давлат герби билан ёнма-ён шу республикаларнинг ранго-ранг миллий нақшлари билан безатилган гербларн яққол кўзга ташланади. Транспарантда «Яшасин Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!» деб ёзилган.

Шу байрам кунида совет халқи мамлакатимизни ғалабадан ғалабаларга олиб бораётган ленинча Коммунистик партияси билан ўзининг монолит бирлигини яна бир карра таъкидламоқда. Партининг XXV съезди тасдиқлаган беш йиллик ва кейинги истиқболларга мўлжалланган улкан программа, деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМнинг XVIII съездида сўзлаган нутқида, битта мақсадга: совет халқи янада яхшироқ, фаровонроқ, бахтлироқ яшасин, биз ўзимизнинг порлоқ манзилимиз — коммунизм сари янада дадил олға бораверайлик, деган мақсадга бўйсундирилган. Қизил пайнодаги шиорда совет кишиларининг орзу-умидлари ифодаланиб, бундай дейилган: «КПСС XXV съездининг қарорларини бажарамиз!», «Ўнинчи беш йилликни барвақт бажарайлик!».

Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорларини. Ўртоқ Л. И. Брежнев Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари чоғида берган кўрсатмалари ва тавсияларини самарадорлик ва сифат беш йиллигининг вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш йўлидаги жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар. Транспарантлар умумхалқ социалистик мусобақаси мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйганлигини акс эттиради. Биринчи квартал планининг бажарилиш якунлари партиянинг чақиригига жавобан беш йилликнинг учинчи йили зарбдор меҳнат йили бўлиб қолганлигини тасдиқлади.

Совет халқининг бунёдкорлик ишлари учун тинчлик керак. Тарих музейи биносини безаб турган пannoга «Тинчликни мустаҳкамлаш — давлатимизнинг энг асосий вазифаларидан биридир», — деган сўзлар ёзиб қўйилган. Панно совет кишиларининг нейтрон бомба тақиқлансин, ядро қуроли синови ман этилсин, қуролланиш пойгаси тўхтатилсин, деган яқдил талабларини ифодалайди. Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш учун матонат ва изчиллик билан курашиб келмоқда.

Халқимизга, бутун планетага тинчлик керак. Албонда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақиригидаги: «Яшасин империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май!»

Майдоннинг парад қатнашчилари тўлдирган марказида албонга ёзилган «1 Май» сўзлари яққол кўзга ташланади. Байрам очилиши тантанали дақиқалари яқинлашмоқда.

Фахрий меҳмонларга ажратилган минбарларда партия ветеранларини, ўнинчи беш йилликнинг пешқадамларини, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, Қуролли Кучларнинг вакилларини, таниқли фан ва маданият арбобларини кўрамиз. Улар билан ёнма-ён кўпгина чет эллик меҳмонлар — юздан ортиқ мамлакат касаба союз ва ишчилар ташкилотларининг вакиллари, таниқли жамоат арбоблари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашчилар туришибди.

Майдоннинг ҳамма томонидан мавзолейга қарсаклар тўлқини келиб турибди, қудратли «Ура!» садолари янграйди. Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарларини қизғин ва самимий табриклайдилар. **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, К. У. Черненко, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов, К. В. Русаков** ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига кўтариладилар. Совет ҳарбий бошлиқлари ҳам минбардан жой оладилар.

Эрталаб соат 10. Қизил майдон узра Кремль курантларининг садоси ва анъанавий «Менинг Ватаним бепоён...» қўшиғининг оҳанги янграйди. Фанфаралар байрам бошланганлигидан дарак беради.

Марш-парад қатнашчиларининг сафлари узра: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиор кўзга ташланади. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақириқлари эшитилади. Совет кишилари бизнинг буюк кучимиз, байрогимиз бўлган пролетар интернационализмини шарафлайдилар.

Бутун прогрессив инсоният Совет Иттифоқининг мустаҳкам, барқарор тинчликни таъминлашни мақсад қилиб қўйган ленинча ташқи сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Уруш хавфининг янада камайтирилишига эришиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш — шу кунлардаги энг муҳим, ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Байрам намойишининг қатнашчилари жаҳон халқларига мурожаат қилиб, уларни кескинликни юмшатиш сиёсатини чуқурлаштириш учун кураш олиб боришга, ядро қуролини абадий таъқиқлашга чақирмоқдалар. Нейтрон бомба ишлаб чиқаришга қарши қатъий курашайлик, деган чақириқ ҳам дунё халқларига қаратилган.

Қирмизи байроқлар узра кўтарилган транспарантда: «Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва раҳбари Владимир Ильич Ленининнинг номи ва иши асрлар оша яшайверсин!» деган сўзлар ёзилган. Ҳар бир кишининг қалбида мана шу сўзлар жо бўлган. Социализм мамлакатларининг халқлари, халқаро ишчилар синфи, барча тараққийпарвар кишилар бутун дунё меҳнаткашлари доҳийси тўғилган кунининг 108 йиллигини совет халқи билан биргаликда нишонладилар. Коммунизм бунёдкори, бутун дунёда тинчлик учун ишчил курашчи бўлмиш совет халқи олтмиш йиллик меҳнати ва қаҳрамонона курашининг улуғвор якунлари Ленин ғояларининг қудратли таъсир кучидан яққол далолат беради.

Майдон марказидаги албон фонида: «КПСС» деган каттакон ҳарфлар пайдо бўлади. Сафлар узра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари кўтарилган. Совет кишилари жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи — Коммунистик партияни, унинг жанговар штаби — Марказий Комитетининг, атоқли сиёсий ва давлат арбоби, содиқ марксчи-ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросини шарафлайдилар.

Марш-парад қатнашчилари «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!», «Ленин партиясига шон-шарафлар, шон-шарафлар, шон-шарафлар!» деб бараварига хитоб қиладилар. Майдон узра «Урал» садолари янграйди.

Пионерлар мавзолей минбарига кўтарилиб, Коммунистик партия, Совет давлатининг раҳбарларига гулдасталар, қизил ленталар топширадилар.

Яна Қизил майдон албон ранг байроқлар билан тўлиб тошади. Шу байроқлар орасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг портрети кўтариб борилмоқда. Леонид Ильичнинг бутун ҳаёти партиянинг фаолияти билан, Совет халқининг қаҳрамонона меҳнати, озодлик ва Ватаннинг равнақи учун кураш билан боғланган. «Кичик ер» китобидан олинган «Уруш ҳеч қачон бўлмаслиги керак!» деган сўзлар совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг энг эзгу орзу-умидларини акс эттиради. Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМнинг XVIII съездида сўзлаган нутқида айтган ва катта ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатлар қуролларини сон ва сифат жиҳатидан янада ўсишини тамомила тўхтатишга қаратилган конкрет таклифлар бутун дунёда ғоят катта қизиқиш туғдирди.

Майдон узра «Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!», «Яшасин Коммунизм!» деган хитоб сўзлари янграйди.

Осмонга кўтарилган ранг-ба-ранг шар дасталаридаги вимпелларда: «Меҳнат», «Тинчлик», «Май» деган сўзлар ёзилган.

Намойишчиларнинг байрам колонналари кенг қудратли оқим бўлиб Қизил майдонга кириб келади. Қаҳрамон шаҳар Москванинг орден ленталари билан безатилган байроғи мағрур сузмоқда. Юбилей йилида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР ва РСФСР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган пойтахт коллективларининг вакиллари ўтмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми совет халқи олдига партия XXV съезди қарорларини сўзсиз бажариш юзасидан масъулиятли вазифалар қўйди. Москваликлар беш йилликнинг учинчи йилида илҳом ва матонат билан меҳнат қилмоқдалар. Барча совет кишилари сингари пойтахт меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубига жавобан бу йўлни зарбдор меҳнат йилига айлантиришга қарор қилдилар. Ўз зиммаларига олган мажбуриятларни ҳурмат билан бажариш, ўнинчи беш йилликнинг якунларини муносиб қарши олиш учун ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир жамоа ҳалол меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — Биринчи Май байрамини партия XXV съезди белгилаб берган бунёдкорлик ишларини амалга оширишга жўшқин меҳнат қилаётган бир базмда кутиб олди. Шаҳарнинг ёркин баҳор либосидаги кўчалари ва майдонлари янада гўзаллашиб, янада соҳибжамол тус олган. КПСС Марказий Комитетининг Байрам Чақириқлари сўзлари, Биринчи Май байрами социалистик мусобақа ғолиблари шаънига айтилган табрик сўзлари ёзилган транспарантлар яшнаб турган яроқлар ёнида кўзга бўлакча ташланади.

Революциянинг буюк йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси номи билан аталган Тошкентнинг Марказий майдони ёркин бўёқлардан яшнаб кетган. Улкан пannoларда совет кишиларининг буюк меҳнат жасоратлари, халқлар ленинча дўстлигининг қудратли кучи акс эттирилган. В. И. Ленин ҳайкалининг ҳар икки томонида қад кўтарган меҳмонлар минбарларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, партия ва революцион ҳаракат ветеранлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, республика пойтахтининг меҳмонлари бор.

...Эрталаб соат 10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар **И. Г. Аннисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова,** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари **А. С. Абдалин,** республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари **Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев** ҳукумат минбарига кўтариладилар.

Биринчи Май тантаналари бошланади. Кремль курантларининг садоси остида Тошкент диёрида тантаналар бошланади. Ўзбекистон пойтахтининг Ленин майдони билан Москванинг Қизил майдони Советлар мамлакатининг қудрати бирлигининг, буюк ленинча дўстлик билан бир тан-бир жон халқларимиз бузилмас бирлигини мужассамлаштириб, бамисоли туташиб кетгандек.

Тантанали марш садолари остида намойишчилар майдонга кириб келадилар. Намойишни энг яхшиларнинг яхшилари, беш йиллик учинчи йили социалистик мусобақасининг пешқадамлари бошлаб берадилар. Ишлаб чиқариш илғорлари колоннасида икки ярим минг киши бор. Уларнинг кўкрагидаги қизил ленталарда пешқадамлар қайси йил ҳисобига ишлаётган бўлсалар, ўша сана белгилаб қўйилган. Алоҳида шарҳ талаб этмайдиган «1980», «1979» рақамлари кўзга ташланади. Биринчи Май байрами арафасида тошкентликлардан эллик мингдан ортиқроқ киши уч йиллик, тўрт йиллик ва беш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. 50 минг ишчи СССР Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги кунигача беш йиллигининг уч йиллик шахсий топшириқларини бажарамиз, деб сўз бердн. Минбардагилар кўкракларига қизил лента тақган кишиларни қизғин табриклайдилар. Эндиликда уларнинг номини бутун шаҳар, бутун республика билади. Партия, унинг XXV съезди чизиб берган улуғвор бунёдкорлик программасини қандай рўёбга чиқаришнинг муносиб намунасини фидокорона меҳнатда кўрсатаётган ишчилар гвардияси бормоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг, Коммунистик партия ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг портретларини намойишчилар колонналар узра кўтариб олишган. Республика меҳнаткашлари умумхалқ байрами кунида КПСС ленинчи Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ва шахсан Леонид Ильич Брежневга совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш тўғрисида ҳормай-толмай қилаётган ғамхўрликлари учун ташаккур изҳор этадилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари ана шу ғамхўрликнинг ёркин далилидир. Леонид Ильичнинг меҳнаткашлар, партия хўжалик активи, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари билан учрашувлари ва суҳбатлари чоғида берган йўл-йўриқлари ҳамда тавсиялари Ўзбекистондаги барча меҳнат коллективлари учун ҳам жанговар иш программаси бўлиб қолди.

Тошкент меҳнат аҳли Биринчи Май байрами куни беш йилликнинг учинчи зарбдор йилида эришилган, қўлга киритилган янги муваффақиятлар тўғрисида партияга, Ватанга рапорт берди. Бу муваффақиятлар эса салмоқли, кишини қувонтирадиган муваффақиятлардир: январь ойининг бошидан буён планга қўшимча равишда қарийб 27 миллион сўмлик маҳсулот чиқарилди. Тошкент маркази қўйилган 636 хил буюм юқори сифат белгиси — ҳамма орзу қиладиган беш бурчакли тамға билан чиқарилмоқдаки, бу бундан бир йил аввалдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Шаҳар корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, ишлаб чиқаришнинг янги резервларини ишга туширмоқдалар, қувватлардан фойдаланиш коэффициентини оширмоқдалар ва шу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга, корхоналарнинг асосий фондларига сарфланган ҳар бир сўмнинг самарадорлигини ўстиришга эришмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).



ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг 1 Май байрами намойиши.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ БАЙРОҒИ ОСТИДА

(Боши 1-бетда)

Улкан майдон узра беҳисоб байроқлар ҳилпирайди. Спортчилар бир текис саф тортиб ўтадилар. Меҳнат коллективлари бирин-кетин ўтиб бормоқдалар. Уларнинг ҳар бири намойишда айтса арзигудек муваффақиятга эришган. Ленин районн механизаторларининг колоннасида Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари фахрий ўрин олишган. Ўрта Осиёда энг кекса бу корхона ишчилари революцияга қадар бўлган намойишларда ҳам иштирок этишган. Тошкент пролетариати революцион анъаналарининг асл ворислари бўлган завод ишчилари бугун нефтихор билан; дастлабки намойиш қатнашчиларининг орзулари рўёбга чиқди, деб айта оладилар. Бу орзулар Совет ҳаёт тарзимизда, Октябрь революцияси халқларга берган галабаларда, СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларида қонуний мустаҳкамлаб қўйилган зафарларда реал мужассамланганлигидир.

В. П. Чкалов номли ишлаб чиқариш авиация бирлашмасининг кўп минг кишилик коллективи байрам намойишида бормоқда. Бу коллектив Ўзбекистон пойтахти механизаторларининг Май олди социалистик мусобақасида олдинги ўринлардан бирини эгаллади. Кўп соҳли панолар ва транспарантлар авиасозларнинг салмоқли ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Улар замонавий технологияни, программа билан бошқариладиган станокларни, электрон-ҳисоблаш техникасини муваффақиятли равишда жорий этиб, ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигига ва иш сифатига эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

Тошкент шаҳридаги кўпгина меҳнат коллективлари техника тараққиёти билан ҳамнафас бўлиб, шаҳдам қадам ташлаб бормоқдалар. Колонналар узра баланд кўтарилган меҳнат галабалари рапортлари бунинг яққол исботидир. Машинасозлар ва энергетиклар, тўқимачилар ва тикувчилар, кабелчилар ва озиқ-овқат саноатининг ходимлари, саноат кўпгина тармоқларининг ходимлари ана шу галаба рапортларини кўтариб бормоқдалар. «Ташкентсельмаш», «Миконд», «Қизил тонг» ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикасининг меҳнаткашлари Май олди меҳнат вахтасида эришган катта муваффақиятларини маълум қилмоқдалар.

Ўнлаб плакатларда «Енимизда бироита ҳам қолоқ бўлмайди» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Яқиндагина бу сўзлар шаҳарда бамисоли даъватдек янграган эди. Бугунги кунда эса бу сўзлар резервлардан тўла фойдаланиш учун кураш натижаларини акс эттирмоқда. Беш ойдирки, Тошкентда ўз планини эплай олмаётган бирон-та ҳам корхона йўқ. Аниқ — пухта, бир маромда ишлаш 100 минглаб ишчилар учун чинакам қонун бўлиб қолди.

Намойиш қатнашчилари совет халқларининг бузилмас дўстлиги, ленинча миллий сиёсат шарафига айтилган табрик сўзларини аҳиллик билан қувватламоқдалар. Мамлакатнинг жуда айлантирмоқдалар. Бинокорлар ҳам Биринчи Май кунида кўп нарсалар ҳақида гапириб беришлари мумкин. Улар йил бошидан буён қариб 100 минг квадрат метр уйни фойдаланишга топширидилар. Бу эса икки мингдан кўпроқ оила янги уйларга кўчиб кирганлигини билдиради. Метросозлар намойишчиларнинг сафларида ўтиб бормоқдалар. Улар Тошкент метрополитенининг биринчи навбатини муддатидан қариб бир йил илгари ишга туширдилар, эндиликда эса тоннелларни зарбдор суръатлар билан узайтирмоқдалар, янги станцилар қурмоқдалар.

Байрам намойиши қатнашчилари орасида ёшлар кўп. Барча совет кишилари сингари йигит ва қизлар ҳам ўртоқ Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқининг зўр таассуротлари билан яшамоқдалар. Ёш ишчилар ва инженерлар, олимлар, студентлар, мактаб ўқувчилари Леонид Ильич ўртага қўйган вазифаларни жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул киладилар. Улар ўзларининг бутун ғайрат-шижоати ва ижодкорлигини, комсомол жасоратини самарадорлик ва сифат беш йиллигига, партия топшириқларини муваффақиятли равишда амалга ошириш ишига бағишламоқдалар. Нуроний ветеранлар, мураббийлар, ёш ишчилар билан ёнма-ён уларнинг ўринбосарлари — мактаб ўқувчилари юриб бормоқдалар. Тошкент шаҳридаги мактабларнинг минг-минглаб юқори синф ўқувчилари ўқишни тамомлаб чиққанларидан кейин дарҳол меҳнат коллективлари сафига қўшилишга қарор қилдилар. Комсомоллар умумхалқ байрами кунида доим ва ҳамма соҳада коммунистларнинг ёрдамчилари бўлишга, Ленин комсомолининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилганликларини айтмоқдалар.

Барча галабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган жонажон Коммунистик партиями шарафловчи даъватлар майдон узра янграйди. Намойиш ч и л а р КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, совет кишиларининг турмуш даражасини янада оширишга, ер юзида тинчликни сақлашга қаратилган йўлини астойдил маъқуллаётганликларини айтмоқдалар. Намойиш иштирокчилари совет халқларининг бузилмас дўстлиги, ленинча миллий сиёсат шарафига айтилган табрик сўзларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

В. И. Ленин номли майдондаги Биринчи Май намойиши совет халқи бузилмас бирлигининг, унинг партия билан жипслигининг, меҳнаткашларнинг КПСС XXV съезди қарорлари шараф билан бажариш йўлидаги мустаҳкам ҳоҳиш-иродасининг ёрқин намойишига айланди.

Намойиш тугади, лекин республика пойтахтида Биринчи Май тантаналари давом этди. Бу тантаналар парклар ва дам олиш боғларига, театрларга ва маданият саройларига, ишчи клубларига, меҳнаткашларнинг квартираларига ўтди.

Г. ЛИПШИЦ,
В. ОСТРОЛУЦКИЙ,
Ўзбекистон информация агентлигининг мухбирлари.

ПОРЛОҚ МАҚСАДИМИЗ—КОММУНИЗМ!

(Боши 1-бетда).

ларига юксак мажбуриятлар, тинғиз муҳобил планлар олдилар. Москваликлардан уч юз мингдан ортиқ киши беш йилликнинг уч йили ва ундан кўп йили топшириқларини СССР янги Конституциясининг биринчи санасигача бажаришни мўлжаллаб қўйдилар. Бу ташаббус бутун мамлакатда кенг кўламда қўллаб-қувватланди.

Партиянинг самарадорлик ва сифатни ошириш йўли — шу беш йилликнинг асосий вазифаси бўлиш билан бирга иқтисодий ва социал тараққиётимизнинг келгуси кўп йилларга мўлжалланган белгиловчи омили, совет кишилари бутун бир авлодини тарбиялаш программасидир. Намойишда пойтахтнинг энг катта корхоналаридан бири — И. А. Лихачев номли автозавод вакиллари шу программа қандай бажарилаётганлиги тўғрисида рапорт берди. Пойтахтнинг бошқа ҳамма корхоналари, ташкилотларида бўлаётгани сингари бу ерда ҳам коммунистлар катта-катта ишларни бошлаб чиқмоқдалар. Москва партия ташкилоти КПССнинг миллионга яқин аъзолари ва аъзоликка кандидатларнни ўз сафларига бирлаштирган. Беш йиллик уч йилини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ҳаракатига, «ишчи ташаббусини инженерлар қўллаб-қувватласин» деган шиор остидаги мусобақани ва москваликларнинг бутун мамлакатда кенг кўламда қўллаб-қувватланган бошқа хил ташаббусларига бошчилик қилганлар ҳам шулар.

Москвадаги етакчи корхоналар—биринчи давлат подшипник заводи, «Красный пролетарий», «Трехгорка», «Серп и молот», «Большевичка» бирлашмаси, биринчи соат заводининг ва бошқа корхоналарнинг колонналари байрам маршида.

Байрам колонналари узра қилпираётган шойи полотнолар — пойтахтдаги «Красная роза» комбинатининг маҳсулоти. Шу илғор корхонанинг тикувчилари Ватанга, Ленин партиясига рапорт берса арзигудек ишлар қилганлар: май олди меҳнат вахтасида турган комбинат коллективи топшириққа қўшимча икки юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. «Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлайлик!» деган шиор комбинат коллективининг меҳнатда юксак натижаларга эришишига ёрдам бермоқда.

Майдондан—машҳур «Динамо» заводининг намояндалари юриб бормоқдалар. Бу завод коллективи меҳнат унумдорлигини оширишнинг шахсий ижодий планларини мамлакатда биринчи бўлиб ишлаб чиқди ва жорий этди. Ҳозирги вақтда Москванинг ўзидагина олти юздан кўпроқ саноат корхонасида ана шу қимматли ташаббус қўллаб-қувватланди. Лекин электромашинасозлар қўлга киритган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолмадилар. Ишлаб чиқариш пешқадамлари бўлган коммунистлар шу йилнинг бошида заводда «Ҳар бир ишчининг муҳобил плани бўлсин» деган шиор остида ватанпарварлик ҳаракатини авж олдириб, белгиланган топшириқларни муддатидан олдин бажариш учун ўтказиладиган мусобақа ташаббускори бўлиб чиқдилар. Ана шу ташаббус авторлари орасида КПСС XXV съездининг делегати ишчи Л. Богданова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ишчи А. Петровичева, ВЛКСМ XVIII съезининг делегати обрубначилар бригадири С. Гребенниковлар бор. Уларнинг ташаббуси кенг қулоч ёйди.

Байрам колонналарида москваликлар ёш авлодининг намояндалари ҳам кам эмас. Ленинча, коммунистчасига яшашни, ишлашни ва курашишни ўрганиш — Советлар мамлакати порлоқ келажаги ёш бунёдкорларининг асосий шиоридир. ВЛКСМ XVIII съезди Ленин комсомоли 38 миллионли отрядининг актив фаолиятига Биринчи Май арафасида якун ясади. Ленин комсомоли коммунистик қурилиш ишига, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини тез бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Совет ёшлари мардлик, матонат, Октябрь идеалларига садоқат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Мамлакат комсомолларининг съезди шарафига, ВЛКСМнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилган зарбдор меҳнат вахтаси вақтида бу нарса айниқса ёрқин намоён бўлди. Биринчи Май транспарантларининг бири Лихачев номли завод ёш автомобилсозларининг ўзига хос рапорти ҳақида ҳикоя қилади.

«Самарадорлик ва иш сифатини ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа байроқдорлари бўлган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!» — КПСС Марказий Комитетининг ана шу Биринчи Май Чақириғи СССР 50 йиллиги номли автомат линиялар заводининг меҳнат коллективига ҳам ҳақли равишда тааллуқлидир. Ана шу корхона вакиллари кўтариб борадиган транспарантлар ва диаграммалар орасида давлат Сифат белгиси эмблемасининг тасвири диққатни ўзига жалб этмоқда. Биринчи Май байрами арафасида заводда унутилмас воқеа рўй берди: бу ерда тайёрланган силлиқлайдиган автомат линияга энг юқори аттестация маркаси берилди.

Уй-жой биноларининг макетлари, «Олимпиада-80» иншоотларининг аниқ контурлари кўзга ташланади. Пойтахт вақтда Москванинг ўзидагина олти юздан кўпроқ саноат корхонасида ана шу қимматли ташаббус қўллаб-қувватланди. Лекин электромашинасозлар қўлга киритган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолмадилар. Ишлаб чиқариш пешқадамлари бўлган коммунистлар шу йилнинг бошида заводда «Ҳар бир ишчининг муҳобил плани бўлсин» деган шиор остида ватанпарварлик ҳаракатини авж олдириб, белгиланган топшириқларни муддатидан олдин бажариш учун ўтказиладиган мусобақа ташаббускори бўлиб чиқдилар. Ана шу ташаббус авторлари орасида КПСС XXV съездининг делегати ишчи Л. Богданова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ишчи А. Петровичева, ВЛКСМ XVIII съезининг делегати обрубначилар бригадири С. Гребенниковлар бор. Уларнинг ташаббуси кенг қулоч ёйди.

Байрам колонналарида москваликлар ёш авлодининг намояндалари ҳам кам эмас. Ленинча, коммунистчасига яшашни, ишлашни ва курашишни ўрганиш — Советлар мамлакати порлоқ келажаги ёш бунёдкорларининг асосий шиоридир. ВЛКСМ XVIII съезди Ленин комсомоли 38 миллионли отрядининг актив фаолиятига Биринчи Май арафасида якун ясади. Ленин комсомоли коммунистик қурилиш ишига, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун, ўнинчи беш йиллик топшириқларини тез бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Совет ёшлари мардлик, матонат, Октябрь идеалларига садоқат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Мамлакат комсомолларининг съезди шарафига, ВЛКСМнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилган зарбдор меҳнат вахтаси вақтида бу нарса айниқса ёрқин намоён бўлди. Биринчи Май транспарантларининг бири Лихачев номли завод ёш автомобилсозларининг ўзига хос рапорти ҳақида ҳикоя қилади.

«Самарадорлик ва иш сифатини ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа байроқдорлари бўлган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!» — КПСС Марказий Комитетининг ана шу Биринчи Май Чақириғи СССР 50 йиллиги номли автомат линиялар заводининг меҳнат коллективига ҳам ҳақли равишда тааллуқлидир. Ана шу корхона вакиллари кўтариб борадиган транспарантлар ва диаграммалар орасида давлат Сифат белгиси эмблемасининг тасвири диққатни ўзига жалб этмоқда. Биринчи Май байрами арафасида заводда унутилмас воқеа рўй берди: бу ерда тайёрланган силлиқлайдиган автомат линияга энг юқори аттестация маркаси берилди.

Уй-жой биноларининг макетлари, «Олимпиада-80» иншоотларининг аниқ контурлари кўзга ташланади. Пойтахт бинокорларининг колонналари ана шу транспарантларни кўтариб бормоқда. Улар бугун меҳнатда эришган янги галабалар тўғрисидаги рапортлар билан байрам намойишига келишган.

Уй-жой граждан қурилиш ҳажми жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турган Москва йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Бинокорлик касби — шаҳардаги энг фахрли касблардан эканлиги бежиз эмас. Биринчи Май арафасида минг-минглаб москваликлар янги квартираларга кўчиб киришди. Бу квартираларнинг анчасини учинчи уйсозлик комбинатининг коллективи қурган.

«Қурилиш ходимлари! Янги объектларни ўз вақтида ишга туширингиз! Замонавий техника негизида соз, тежамли қурилсин!» 3-уйсозлик комбинатининг коллективи Биринчи Май Чақириқларида акс эттирилган ана шу вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал қилмоқда. Бинокорлар биринчи квартирада қарийб бир юз эллик минг квадрат метр — топшириқда белгиланганидан анча кўп уй-жойни фойдаланиш учун топширдилар.

Майдоннинг байрам либосига янги ранглар қўшилиб кетади. Пайнода «Нива» комбайни тасвирланган. К. А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалик академиясининг ўқитувчилари ва студентлари намойишга ана шу панюни кўтариб чиқишган. Академия коллективи сурункасига икки йилдан буён Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқмоқда. Мамлакатнинг энг кекса қишлоқ хўжалик олий ўқув юрти ноқоратупроқ зона учун мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бермоқда, Академиянн бу йил битириб чиқувчи ҳар тўрт кишидан учтаси ана шу зонадаги хўжаликларга боради.

Анъанага кўра, Москва областидаги колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари тимирязевчилар билан ёнмаён бормоқдалар. Ана шу колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари академия билан маҳкам ҳамдўстликда ишламоқдалар. Академия ўқитувчилари ва студентларининг илмий ечимларини жорий этишдан олинган йиллик самара бултур 30 миллион сўмдан ошиб кетди.

Пойтахтдаги Октябрь районини ҳақли равишда илм-фан райони деб атайдилар. Ишчилар билан олимлар бир колоннада бормоқдалар. Уларнинг ижодий алоқалари салмоқли натижалар бермоқда. Улар етмишдан ортиқ институт ва илмий муассаса саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида олти юзга яқин шартнома тузишди. СССР Фанлар академиясининг колоннасида унинг мухтор вакиллари, таниқли олимлар бормоқдалар. Улар ишлаб чиққан лойиҳалар ва ечимлар фанни практика билан боғлаш масалаларини муваффақиятли равишда ҳал қилишга ёрдам бермоқда. Бу эса мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ўстиришга қўмаклашмоқда. Бултур химиявий физика институтининг олимлари 50 миллион сўмдан кўпроқ маблағни тежашга муваффақ бўлдилар.

Байрам шиорларидан бирига «Совет фани экипажлари алмашадиган орбитал станцияларининг яратилишинсоннинг космосга магистрал йўли деб ҳисоблайди», деган сўзлар ёзиб қўйилган.

«Салют-6» — «Союз» комплексининг яқинда қилган 96 суткалик парвози-инсоннинг космосни забт этиш борасидаги энг муҳим босқичларидан бири сифатида чинакам жасорат бўлиб қолди. Шу тариқа тинч мақсадларда космик фазони тадқиқ қилишни ва ундан фойдаланишни ривожлантириш тўғрисида КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга янги катта ҳисса қўшилди. Мамлакатимиз вакиллари ва қардош Чехословакия граждани космосдаги янги экипажнинг аҳрамонлари бўлишди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорлик планетамиз доирасидан коинот бўшлиқларига чиқди.

Қизил майдонда шоду-ҳуррамлик ва тантана давом этмоқда. Одамлар оқимининг кети узилмайди. Ҳар бир янги колонна бамисоли ютуқларимиз жонли йилномасининг саҳифасидир. Инженер-техник ходимлар, хизматчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларнинг намояндалари пойтахт ишчилар синфи билан бир сафда биринчи Май байроқларини кўтариб бормоқдалар. Рассомлар, ёзувчилар, композиторлар, артистлар хушчақчақлик билан ўтиб бормоқдалар. Ҳаётнинг ўзи ўртага қўйган «Санъат ва меҳнат иттифоқи» шиори уларнинг амалий программаси бўлиб қолди.

Москва меҳнаткашлари вакилларининг байрам намойиши партия билан халқ бузилмас бирлигининг ёрқин, таъсирчан далили бўлди. Бу намойиш совет кишиларининг 1978 йил топшириқларини тўла ва ошириб бажаришга, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга янгидан-янги муваффақиятларга эришишга қатъий аҳду паймон қилганликларини яна бир бор кўрсатди.

Бу йилги биринчи Май байрами ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йили умумхалқ социалистик мусобақасининг биринчи босқичига якун ясади. Совет халқи эришилган муваффақиятлар тўғрисида рапорт берар экан, КПСС XXV съезди режаларини муваффақиятли бажаришга, тинч бунёдкорлик меҳнати билан КПСС раҳбарлигида комил ишонч билан коммунизм сари бораётган Совет Иттифоқининг қудратини кўпайтиришга қатъий қарор берганлигини намойиш қилди.

Қизил майдондан репортажни
ТАСС мухбирлари:
Т. АККУРАТОВА, М. ГЕРАСИМОВ, Н. ЛЕОНОВА, Е. МАЙОРОВ, П. РЯБОВ, Р. ШИРИНЯН олиб бордилар.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Яқинда Тошкентда мамлакат осойишталик посбонлари транспорт органларида хизмат қилувчи ходимларининг Бутуниттифоқ йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш ишида СССР ички ишлар министрлиги ҳамда республика ички ишлар министрлиги, Ўзбекистон транспорт прокуратураси, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрликлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги меҳнат бўйича давлат комитети масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгаш иштирокчилари КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда СССРнинг янги Конституцияси асосида темирйўл транспортида қонун бузувчиларга қарши курашни янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларни кўриб чиқдилар. Осойишталик посбонлари тажрибалари билан ўртоқлашдилар, транспорт милицияси ходимлари фаолиятини янада яхшилаш, социалистик қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда текинхўр, ичкиликбоз ва безориларга қарши курашни янада активлаштириш борасидаги ишларни белгилаб олдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги транспорт милицияси Ўрта Осиё бошқармасининг текинхўрларга қарши курашдаги иш фаолияти кўриб чиқилди.

Б. СОБОЛЕВ,
милиция подполковниги.



ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг 1 Май байрами намойиши.

А. Абалян фотолари.

ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

ХАЛҚАРО бирдамлик куни — 1 Май байрами барча жойларда бўлгани сингари областимизнинг шаҳар ва районларида ҳам зўр шоду-хуррамлик билан нишонланди. Бўлиб ўтган байрам намойишларида ишчи ва деҳқон иттифоқи, қардош халқларимиз дўстлиги ва биродарлиги яна бир бор намоён бўлди.

АНГРЕН

ШАҲАР байрам либосида. Баланд-баланд бинолар пештоқига илинган қизил байроқлар, янги меҳнат зафарларига чорловчи шиорлар тонг шамолида майин тебраниб турибди. Радиокарнайлардан таралаётган куй ва қўшиқлар киши қалбида ажиб ҳис-туйғулар уйғотади.

Эрталаб соат 10. Меҳнаткашларнинг байрам колоннаси В. И. Ленин номли майдон томон оқиб кела бошлайди. Олдинда физкультурачилар ва мактаб ўқувчилари. Улар турли спорт машқларини намойиш қилиб ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Музика садолари остида майдонга Меҳнат Қизил байроқ орденли Ангрен кўмир разрези кончилари кириб келадилар. Намойишчилар олдида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, экскаватор машинисти Хўжа Алиқулов. У корхона Қизил байроғини боши узра баланд кўтариб олган. Кончилар ғайрати билан ўтган тўрт ой мобайнида планга қўшимча равишда 50 минг тонна «қора олтин» қазиб олинди. Бу ютуққа Аҳматулла Файзулин, Владимир Лазерев каби экскаваторчилар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Майдондан ўтиб бораётган керамика комбинати ишчилари орасида Сергей Павлович Белоклоков ҳам бор. У февраль ойида беш йиллик топшириқни шараф билан адо этди.

Меҳнаткашлар намойиши давом этади. 9-шахта, резинатехника заводи коллективлари ҳам шаҳдам қадам ташлаб ўтиб бормоқдалар. 1 Май байрамини ёруғ юз билан кутиб олган агрениклар энди бутун кучни йиллик топшириқни муваффақиятли адо этишга сафарбар этмоқдалар.

ОЛМАЛИҚ

ФАНФАРАЛАРНИНГ қувноқ садоси 1 Май намойиши бошланганлигидан дарак беради. Шаҳар меҳнаткашлари бозор байрамини янги ютуқлар билан кутиб олдилар. Саноатчилар планга қўшимча равишда қариб 4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Намойишчиларнинг олдинги сафларида кимёгарлар келишяпти. Улар шаҳарда биринчи бўлиб, тўрт ойлик планни ортиғи билан бажаришди. Колхоз ва совхозларга планга қўшимча равишда 20 минг тонна аммофос етказиб берилди. Коллектив ўтган йили Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлган эди. Зарбдор йилнинг биринчи квартали якунлари бўйича эса шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олдилар.

Кимёгарлар колоннасига металлургиялар ва мебелчилар колоннаси уланиб кетади. Конметаллургия комбинати ишчилари ҳам баҳор байрамини янги меҳнат зафарлари билан нишонлади. Улар планга қўшимча 622 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Мебелчилар ютуғи яна ҳам кувончли бўлди. Улар биринчи квартал якунлари бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби деб топилдилар. Корхонада тўрт хил маҳсулот Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Ўтган ойлерда пландан ташқари 88 минг сўмлик мебеллар ишлаб чиқарилди. Йил давомида қўшимча тайёрланадиган маҳсулот 200 минг сўмликка етади.

Намойишчилар колоннасининг ниҳояси кўринмайди. Байроқлар гулхандек товланиб, кўзларни қамаштиради. Шиорларда зарбдор йилни муваффақиятли якунлашга даъват этувчи сўзлар ёзилган. Янграётган куй ва қўшиқлар кишки руҳини яна ҳам кўтаради.

Эрта тонгда бошланган байрам шодиёналари кеч тунгача давом этди. Хиёбонларда, маданият ва истироҳат боғларида оммавий сайллар ўтказилди.

БЕКОБОД

БАЙРАМ арафасида шаҳар бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди. Саноатчилар тўрт ойлик мажбуриятни муваффақиятли бажариб, планга қўшимча равишда 1 миллион 660 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Босмахона коллективи эса Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби деб топилди



ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг 1 Май байрамни намойиши.
А. Абалян фотоси.

ҚУВОНЧ САТРЛАРИ

ҲАР ҚУТИСИДАН 100 КИЛОГРАММ УЧУН

ОҚҚЎРҒОН. Ҳар қутисидан 100 килограммдан пилла тайёрлаш Султон Сегизбоев совхози пиллакорлари шиори. Улар байрамга ўз аҳдларига яраша меҳнат қилиш билан келишяпти. Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг зарбдор йилида пиллакорлардан Муҳтарам Ғофурова, Ҳолбуви Тўраева, Муқаддам Тошҳўжаева, Назира Султонова ва ўнлаб бошқа «кумуш тола» бунёдкорларининг ҳар бири ана шу марраларни эгаллашга аҳд қилганлар.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

ЭРКАТОЙЛАР ХИЗМАТИДА

БЕКОБОД. Победа колхозининг 3-участка деҳқонлари улуғ байрам арафасида муносиб совға олишди. Энди болали аёллар далада бемалол меҳнат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Уларнинг боғча ёшидаги фарзандларини тарбиялайдиган 90 ўринли болалар боғчаси қурилиб ишга туширилди.

Қиёт Қишлоқ Советига қарашли бу болалар боғчасида Нурниса Қурбоналиева, Меҳринисо Кучимова, Ойлар Эгамбердиева сингари тажрибали тарбиячилар кичкинтойлар хизматида.

З. ЮСУПОВ.

ГЕКТАРИДАН 50 ЦЕНТНЕРДАН

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Бригада аъзолари ерга чигит қадаш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиб, беш иш кунида тугалладилар. Улар ўтган йили гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил кўтаришган эди. Бу йил Свердлов номли колхознинг Саидазим Хўжаев бошлиқ бригада аъзоларининг марралари 50 центнер.

Бригада аъзолари бир текис ундириб олинган гўзаларга дастлабки ишлов беришни бошлаб юбордилар. 90 гектар майдондаги гўза пайкалларига биринчи ишлов бериш тугалланди.

Г. АКБАРОВА.

ЎҚИТУВЧИЛАР КЕНГАШИ

ПОЙТАХТДАГИ 40-мактабда тарих, жамиятшунослик, ҳуқуқ, география ўқитувчиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда педагоглар ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясига қаратилган назарий ва амалий масалаларда ўзаро тажриба алмашдилар.

ТЎПЛАНГАНЛАР С. Авазовнинг ватанпарварлик ва интернационализм тарбиясини шакллантириш йўллари, Қ. Ҳасановнинг тарих ва гуманитар фанларда матбуот материалларидан фойдаланиш, С. Худойбергановнинг ўқувчиларнинг ғоявий сиёсий тарбиясида СССР ва ЎзССР ляги Конституцияси материаллари ва КПСС Марказий Комитети Пленуми ҳужжатларидан фойдаланиш тўғрисидаги докладларни қизиқиш билан тингладилар.

Бундай кенгашлар бошқа фанлар бўйича ҳам бўлиб ўтмоқда. Шаҳримизнинг кўпгина мактабларида Педагоглар ёш авлодга тарбия беришдаги тажрибаларини умумлаштирмоқдалар, ўзаро фикр алмашмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Нина Ершова ўнинчи беш йиллик планини бажарди. У нормадаги 24 та ўрнига 66 та станокда ишлаб, ана шундай муваффақиятни қўлга киритди.

Донгдор тўқувчи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 99,5 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Унинг тўқиган матолари эса 1 миллион 700 метрдан ошиб кетди. Бу планда белгиланганидан 954 минг метр кўпдир.

Нина Ершова ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўнинчи беш йилликнинг охирига қадар яна бир беш йиллик планини бажаришга аҳд қилди.

Э. ТУЛАГАНОВ.

ЖАҲОН ФИЛЬМЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА

Шарқ дарвозаси бўлмиш азим Тошкент шаҳри бир неча йиллардан бери жаҳон кино анжуманининг маркази бўлиб келмоқда. Тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентда ўтказилаётган кинофестивалларга уч қитъа кинематографиячиларига ўзаро учрашиш ва муҳим проблемаларни ҳал этиш учун яхши имконият бермоқда.

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остидаги Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалининг тарихига бир назар солсак, ҳар бир бўлиб ўтган кинофестивал ўзига хос тарихий аҳамиятга эга бўлиб, кино санъатининг ривожланиши учун, халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик учун хизмат қилмоқда.

1968 йилда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатларининг 1-Тошкент кинофестивалига 49 мамлакатдан меҳмонлар келишди. Кино санъатининг ривож топган мамлакатларидан бири Ҳиндистондан «Амрапали», «Анупама», «Рам ва Шам», Жазоирдан «Ореслан эсган шамол», Япониядан «Қўзғолончи», Суриядан «№ 281-26 сонли одам» каби фильмлар Тошкент экранларида намойиш қилинди.

II- Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкент кинофестивали 1972 йилда бўлиб ўтди. Бу фестивалга 62 давлатдан меҳмонлар қатнашди. Меҳмонлар орасида Европа ва Америка мамлакатларининг вакиллари бор эди. Бу фестивалга 106 та фильм тақдим этилган бўлиб, улардан 58 таси бадиий фильм эди.

1974 йилда бўлиб ўтган Тошкент III кинофестивалида 66 давлат кинематографчилари иштирок этди. Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларидан 313 вакил меҳмон сифатида қатнашди. Кинофестивалда 176 фильм намойиш этилиб, булардан 83 таси бадиий фильм эди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент IV кинофестивалига 109 давлат вакиллари иштирок этишди.

Ўтган тўрт кинофестиваль давомида фестиваль учун ишлаб чиқарилган эмблемалар, дипломлар, ёрлиқлар, значоклар, медаллар, альбомлар, газета ва журналлар, қимматбаҳо буюм ва бошқа ҳар хил совғалар ҳозирги кунда нодир экспонат сифатида Ўзбекистон халқлари тарихий музейида сақланмоқда.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ТОШКЕНТ V КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Республикамиз киносанъати нақадар ривожланганини ҳисобга олиб, 1973 йили Ўзбекистон Давлат кинематография комитети қошида Ўзбекистон киносанъати музейи ташкил этилди. Музей маъмурияти ўзбек кино тарихини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш билан бирга Тошкент халқаро кинофестивали материалларини йиғишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Киносанъат музейи коллективи Осиё, Африка мамлакатлари Тошкент III кинофестивали даврида 400 дан ортиқ экспонатлар тўплади. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент IV кинофестивалида эса, музей илмий ходимлари 500 дан знёд экспонатлар йиғди. Бу экспонатлар орасида кинофестиваль эмблемаси, байроқлари, медаллари, значоклари, ёзишалари, газета ва журналлари билан турли мамлакатлардан келтирилган қимматбаҳо совғалар, диплом ва ёрлиқлар; таклифномалар ва бошқа ҳар хил буюмлар бор.

Ҳозирги кунда республикамизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент V кинофестивалига тайёргарлик кўрилмоқда. Бу улкан анжуманга киносанъат музейи коллективи ҳам қизғин ҳозирланаяпти. «Ўзбек киносининг равнақи», «Жаҳон фильмлари Ўзбекистон экранида», «Ўзбек киноси дўстлик оиласида», «Жаҳон кино юлдузлари» каби мавзуларда фотокўргазмалар ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Фотокўргазмада Ўзбекистон ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар студиясининг маҳсулотларидан «Тошкент тўқимачилик комбинати», «Тожихон билан учрашув», «Бизнинг оталаримиз йўли», «Уч уч қалдирғоч», «Республикамизнинг учинчи ордени» ва бошқа ўнлаб энг яхши совринлар олган фильмлардан кадрлар бўлади. Ўзбекистон киносанъати музейи ходимлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент V кинофестивали кунларида жаҳон кино юлдузларининг илиқ сўзларини магнитафон ленталарига ёзиб олиш ниятида.

Музейга шу кунгача ўн беш мингга яқин турли экспонатлар, ҳужжатли фото материаллар жамланди. Бу лардан 1000 дан ортиғи ўтган кинофестивалларда тўпланган фестиваль материалларидир.

Э. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон киносанъати музейи директори.

БОҒЧАЛАРДАН ЁЗАДИЛАР

ОҚҚЎРҒОН район марказидаги икки қаватли бинога 6-болалар боғчаси жойлашган. Бу ерда кичкинтойларнинг тарбияланишлари учун ҳамма қулайликлар яратиб берилган.

Ҳозир 200 ўғил-қиз бу ерга қатнайди. Улар билан турли ўйинлар ва машғулотлар олиб боришда тайёрлов группасининг тарбиячиси Н. Богатованинг хизмати катта бўлаяпти. Мураббий бошланғич математика фани бўйича ҳам машғулотлар ташкил этмоқда.

Группа тарбиячиларидан Л. Наумова, У. Убайдуллаева ва медицина ҳамшираси Н. Лицлар ҳам кичкинтойларнинг севимли опахонлари бўлиб қолишди.

М. ТОЖИБОЕВА.

ЯНГИЙЎЛ районидаги болалар мўассасалари тарбиячилари Турсуной опа Аҳмаджўҳаевани жуда ҳурмат қилишади. Бу меҳридарё аёлнинг асл касби болалар врачи. Мана бир неча йилдирки, у райондаги «Ленинизм» колхози шифохонаси ҳузуридаги поликлиникада етакчи педиатор бўлиб ишлаб келмоқда.

Бўш қолди дегунча у боғча-яслиларга йўл олади. Кичкинтойлар соғлигидан хабардор бўладн. Боғча врачлари билан болалар касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича суҳбатлар ўтказади.

М. ҚОБИЛОВА.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Собир Раҳимов районидаги болалар боғчаси қурилиб ишга туширилди.

Қиёт Қишлоқ Советига қарашли бу болалар боғчасида Нурниса Қурбоналиева, Меҳринисо Кучимова, Ойлар Эгамбердиева сингари тажрибали тарбиячилар кичкинтойлар хизматида.

З. ЮСУПОВ.

ГЕКТАРИДАН 50 ЦЕНТНЕРДАН

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Бригада аъзолари ерга чигит қадаш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиб, беш иш кунида тугалладилар. Улар ўтган йили гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил қўтаришган эди. Бу йил Свердлов номли колхознинг Саидазим Хўжаев бошлиқ бригада аъзоларининг марралари 50 центнер.

Бригада аъзолари бир текис ундириб олинган гўзаларга дастлабки ишлов беришни бошлаб юбордилар. 90 гектар майдондаги гўза пайкалларига биринчи ишлов бериш тугалланди.

Г. АКБАРОВА.

ЎҚИТУВЧИЛАР КЕНГАШИ

ПОЙТАХТДАГИ 40-мактабда тарих, жамиятшунослик, ҳуқуқ, география ўқитувчиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда педагоглар ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясига қаратилган назарий ва амалий масалаларда ўзаро тажриба алмашдилар.

ТЎПЛАНГАНЛАР С. Авазовнинг ватанпарварлик ва интернационализм тарбиясини шакллантириш йўллари, Қ. Ҳасановнинг тарих ва гуманитар фанларда матбуот материалларидан фойдаланиш, С. Худойбергановнинг ўқувчиларнинг ғоявий сиёсий тарбиясида СССР ва ЎзССР ляги Конституцияси материаллари ва КПСС Марказий Комитети Пленуми ҳужжатларидан фойдаланиш тўғрисидаги докладларни қизиқиш билан тингладилар.

Бундай кенгашлар бошқа фанлар бўйича ҳам бўлиб ўтмоқда. Шаҳримизнинг кўпгина мактабларида Педагоглар ёш авлодга тарбия беришдаги тажрибаларини умумлаштирмоқдалар, ўзаро фикр алмашмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Нина Ершова ўнинчи беш йиллик планини бажарди. У нормадаги 24 та ўрнига 66 та станокда ишлаб, ана шундай муваффақиятни қўлга киритди.

Донгдор тўқувчи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 99,5 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Унинг тўқиган матолари эса 1 миллион 700 метрдан ошиб кетди. Бу планда белгиланганидан 954 минг метр кўпдир.

Нина Ершова ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўнинчи беш йилликнинг охирига қадар яна бир беш йиллик планини бажаришга аҳд қилди.

Э. ТУЛАГАНОВ.



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ республика илмий-техника кутубхонаси чет эл адабиёти бўлими қардош социалистик мамлакатлар ва бошқа чет давлатларда нашр қилинган кўплаб китоблар билан бойиб бормоқда. Суратда: кутубхонанинг чет эл адабиёти бўлими мудири Л. Попова янги келган адабиётларни кўздан кечирмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

АВТОМАТ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ

ҚИБРАЙДА янги қурилган тўрт қаватли алоқа уйи ишга туширилиш арафасида. Бу ерда икки минг номерли автомат-телефон станцияси жойлашади. Қибрайликлар марказий почта, телеграф ва шаҳарлараро телефон алоқаси хизматидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Ана шундай замонавий типдаги алоқа корхоналаридан бири Янгийўл шаҳрида қурилмоқда. Бу алоқа уйи битгач, уч минг абонент телефон хизматидан баҳраманд бўлади. Яқин келгусида Чирчиқ, Газалкент, Бекобод, Оҳангарон шаҳарларида ҳам почта, телеграф ва телефон станциялари янги биноларга кўчиб ўтади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСТАСИ

Бу йилги республика педагогик ўқишлари ҳам таълим ва тарбия камолида муҳим роль ўйнади. Ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаган мазкур катта йиғинида бошланғич синф ўқитувчилари ҳам актуал мавзуларда докладлар билан чиқдилар.

Бошланғич таълим устаси Светлана Ҳошимованинг анжуманда қилган мазмунли доклади ҳамкасблар эътиборини ўзига тортди. Қалининн районн билим ўчоқларидан вакил бўлиб борган моҳир ўқитувчи ўзи дарс бераётган 10-мактаб бошланғич синф иш тажрибаси ҳақида атрофлича сўзлаб берди.

Ўқувчиларнинг меҳрибон мураббийси 1—3-синфларда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш методлари устида жиддий шуғулланиб келади. Унинг «Болаларнинг ўзлаштирмаслик сабаблари» мавзусида ҳозирлаган илмий-методик доклади кўп йиллик кузатишлар асосида ёзилди. Бунда мактаб бошланғич таълим метод бирлашмасининг бошлиғи Риҳси Муҳамедованинг фойдали маслаҳатлари ҳам қўл келди.

Ушбу иш юзасидан атоқли ўқитувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Шарафуддинов, «Алифбе», «Ўқиш китоби»нинг муаллифларидан бири педагогика фанлари кандидати Қ. Абдуллаева ва бошқа методист олимлар ўзларининг қимматли фикрларини билдирдилар.

«Болаларнинг ўзлаштирмаслик сабаблари» доклади республика педагогик ўқишлари материаллари асосида тайёрланадиган илмий-методик тўпламда ёритилади.

А. АБДУАЛИЕВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 МАЙ СОАТ 13.00 ВА 16.00 ДА

СЕВИМЛИ ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Шерали ЖЎРАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Фотима БАРАТОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА;

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

Қарима УЗОҚОВА

Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА;

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.

Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОҲИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.20 — «Звездочка». 10.10 — Концерт. 11.15 — «Москвичка». 12.25 — «Ёшлик доимо олдинги сафда». 12.55 — «Дон Кихот» балети. 14.55 — Мультфильм. 15.15 — Хоккей. ГФР — КАНАДА. 15.55 — «Уч қувноқ смена» (бадиий фильм, 2-серия). 17.00 — Цирк майдонида. 17.45 — «Инсон. Ер. Коинот». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Кучли фигурачиларнинг кўргазмали чиқишлари. 20.25 — «13 стул». 21.30 — «Вақт». 22.00 — Музикали программа.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Болалар учун концерт. 10.50 — Фильм-концерт. 11.10 — Телеминиатюралар театри. 11.55 — «Биз билан қолаверсин» (бадиий фильм). 13.00 — Цирк программаси. 13.40 — Концерт. 14.40 — Фильм-концерт. 16.30 — Концерт. 17.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Арарат». 18.50 — «Ахборот». 19.00 — «Испан миниатюралари» (спектакль). 20.15 — «Ахборот». 20.30 — «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли иштирокида байрам концерти. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Наво» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 22.30 — Комедия кечаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 19.40 — «Қазаклар йиғлаганда» (бадиий фильм). 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстрада концерти. 20.55 — «Мен севган шаҳар». Ҳужжатли фильм.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3|V да Сезилья сартароши, 4|V да Концерт.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2|V да Олтин девор (11.00), Келинлар қўзғолони (15.00), Парвона (19.30), 3|V да Ғариблар, 4|V да Калби олов.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2|V да Кўнгли ёш қариялар (12.00, 19.30), Катта концерт (16.30), 3|V да Шаҳзода ва етим қиз, 4|V да Йиллар ўтиб.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (13, 16, 19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Мимино (катта зал), Хизматдош ошиқлар қиссаси (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Тиль ҳақида афсона (1 ва 2 серияларн)—«ТИНЧЛИК» (12.30 15.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЧАЙКА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Туғилиш — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 14, 17, 20.00).

Одамлар ташвишида — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Фидойи аёл — С. РАҲИМОВ номли (тоқ соатларда).

Бормисан марказий ҳужумчи — «МИР» (тоқ соатларда).

Томдан сакраш — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Умид — «КЎКЧА» (11, 14, 17, 20.00).

Карпат довонлари — «ЯНГИОБОД» (11, 14, 17, 20.00).

ЕЗГИ ВИНОДА

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Туғилиш — «ХИВА» (20.30).

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

ҲАҚИҚИЙ дўстлик булоқ сувидек зилолдир дейишади. Ҳаётда дўст орттириш, дўстлик муносабатларини ўрнатиб, уни мустаҳкамлаш ҳар бир инсоннинг орзу-умиди. Серқуёш республикамизда бутун Иттифоқда бўлгани каби мавжуд барча олий, ўрта ва махсус ўқув юртларида турли миллат ёшлари билан бир қаторда чет эллик студентлар ҳам таълим олишаяпти. Уларни ўзаро дўстлик, биродарлик мақсади боғлаган. Бу ўқув юртларида ҳозир «Интернационал дўстлик клуб»лари фаол иш олиб бормоқда. Шундай клублардан бири Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтида ҳам мавжуд. Бу клуб ёшлар ўртасида снёсий тарбиявий ишларни амалга оширмоқда. Клуб аъзолари ўртасида чет эллик студентлар ҳам бор.

— Ўтган йили Улуғ Октябрнинг қутлуғ 60 йиллигини муносиб нишонладик,— дейди дўстлик клубининг президенти, IV курс талабаси У. Маннонов.— Октябрь, Совет Қуролли Кучларининг юбилейларига бағишланган тантанали дўстлик кечалари ва йиғилишлари аудитория ва ётоқхоналарда ўтказилди. Бундан ташқари клуб ўтган юбилей йилида ўз фаолиятини СССР Олий Советининг навбатдан ташқари чақирилган еттинчи сессияси материалларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу сессияда сўзлаган катта нутқидан келиб чиқадиган кўрсатма ва хулосаларни муҳокама қилишга бағишлади. Институтимизга ҳар йили кўплаб Украина, Грузия, Туркманистон, Молдавия, Белоруссия, Москва, Ленинград, Рига ва бошқа республикалар ҳамда шаҳарлардан меҳмонлар ташриф буюришади. Бу дўстларимиз билан алоқаларимиз жуда мустаҳкам. Меҳмонлар пойтахтимиз ва Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий обидаларни, саноат ва қурилиш объектларини бориб кўришади, фан ва маданиятимиз ютуқлари билан яқиндан танишишади. Буларни йўлга қўйишда клуб аъзолари бошқош. Клуб аъзолари дўстларимиз билан ўзаро тажриба алмашиб, алоқаларимизни келгусида янада мустаҳкамлаш режаларини тузиб олишади. Яқинда Улуғ Октябрь ва ҳозирги давр деган мавзуда Бутуниттифоқ интернационал студентлар илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда клубимиз аъзолари ҳиндистонлик Аранг Баҳодир ва Джон Султонлар ўз докладлари билан қатнашдилар.

Интернационал дўстлик клубининг келгуси режалари янада сермазмун. Клуб Осиё ва Европа мамлакатларидаги халқлар ҳаётини, санъат ва маданиятини батафсил ўрганиш мақсадида йил давомида мазкур мамлакатларнинг миллий байрами кунларини кенг нишонлаб боради. Масалан, шу кунгача Болгария, Монголия, Руминия, республикалари ҳамда Афғонистоннинг миллий байрамларига атаб дўстлик кечалари ўтказилди. Эндиги навбатда эса Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Куба Вьетнам ва бошқа мамлакатларга бағишлаб дўстлик байрамлари уюштириш мўлжалланган. Клуб турли миллат талабаларидан ташкил топган ўз ансамблига эга. Совет Иттифоқидаги йигирмага яқин олий ўқув юртлари билан алоқа боғлаганмиз. 1973 йилдан бери Краков (Польша) тог-металлургия академияси, 1977 йилдан эса Гарбово электромашинасозлиги институти ҳамда Чехия (Чешский) олий техника билим юрти билан ўзаро дўстлик ўрнатилди.

Институт комсомол комитети клуб фаолиятига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Комитет ҳар йили клуб ишида актив қатнашади. Студентларни Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан муносиб тақдирламоқда. Шу боисдан институт интернационал дўстлик клубининг дўстлари ортиб, алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Клуб аъзолари шу кунларда Гаванада бўлиб ўтадиган XI Жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалига тайёргарлик ишларини янада авж олдириб юбордилар.

Ш. НУРУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари— 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 06434. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2398.